



Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 18 март

Андижон шаҳри

4-1701-2202/436-сонли иш

Андижон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ж.К.Мамитов раислигида, судья ёрдамчиси А.И.Ҳалимжоновнинг суд мажлиси котиблигида аризачи - Дддддддддддднинг жавобгар – “ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги электрон тарздаги аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни аризачи вакили А.Абдурахмонов (ишончнома асосида) иштирокида (жавобгар вакили иштирок этмади) Дддддддддддд биносида, очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

аризачи - Дддддддддддд Андижон туманлараро иқтисодий судига электрон тарздаги ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар – “ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Аризачи вакили ўз кўрсатмасида - даъвони қўллаб-қувватлаб, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботлари топширилмаганлиги учун судга ариза берилганлигини маълум қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар суд мажлиси ҳақида хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили суд мажлисида иштирок этмади ва аризачининг талабларига эътирозини билдирмади.

Ишдаги мавжуд ва тақдим этилган ҳужжатларда суд мажлиси ўтказилиши вақти ва жойи кўрсатилган суднинг ажрими жавобгарнинг электрон шахсий кабинетига етказилганлигини тасдиқловчи маълумот мавжуд.

Мазкур ҳолатда, суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддасига кўра иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлигини инobatга олиб, жавобгар вакили иштирокисиз иқтисодий ишни кўриб чиқишни лозим топди.

Ишдаги мавжуд ва тақдим этилган ҳужжатларига кўра, "ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2021 йил ноябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи давлат солиқ хизмати органларига топширилмай келинган бўлиб, Дддддддддддднинг қарори билан жавобгар – “ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилган бўлиб, инспекция томонидан жавобгар – “ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ” масъулияти чекланган жамиятига юборилган хабарномада жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги учун унинг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кунга тўхтатилганлиги, агар ҳисобот тақдим этилмаса, банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари 10 кундан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ҳақида иқтисодий судга ариза киритилиши ҳақида огоҳлантирилиб, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилган бўлсада, жавобгар томонидан суд кунига қадар 2021 йил ноябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ



бўйича ҳисоботлар тақдим этилмай келинаётганлиги сабабли аризачи судга ариза билан муурожаат қилган.

Суд, аризачи вакилининг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, куйидаги асосларга кўра аризачининг талабини қаноатлантиришни лозим топади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82-моддасига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Солиқ тўловчи ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисоботини ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шакллар бўйича электрон ҳужжат тарзида тақдим этади. Йирик солиқ тўловчилар, жойлашган еридан қатъи назар, солиқ ҳисоботини Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясига тақдим этади.

Шунингдек, СКнинг 273-моддасига кўра, солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Мазкур ҳолатда жавобгар – “ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ” масъулияти чекланган жамияти томонидан 2021 йил ноябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ бўйича ҳисоботлар давлат солиқ хизмати органига тақдим этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун куйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи

текшириляётган шахс томонидан имзоладиган далолатнома билан



расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши банклар томонидан солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилишини аниқлатади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 217-моддасига кўра, банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 215-моддасига асосан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга назорат қилувчи органлар мурожаат этишга ҳақли.

Жавобгар томонидан 2021 йил ноябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ бўйича ҳисоботлар тақдим этилмай келинаётганлиги Дддддддддддддд аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда аризачи вакилларининг кўрсатмалари билан билан тасдиқланганлиги боис, суд аризачининг талабини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 222-моддаси, 3-қисми, 4-бандига кўра ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 215, 217 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р к и л а д и :

аризачи - Дддддддддддддднинг аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар – “ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ” масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларининг чиқиш қисми 2021 йил ноябрь ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқ бўйича ҳисоботни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этгунга қадар тўхтатиб қўйилсин.

Жавобгар – “ЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖЖ” масъулияти чекланган жамиятига хизмат кўрсатувчи барча банклардаги ҳисоб-рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар, яъни, солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан кейин бир кундан кечиртирмасдан, давлат солиқ органи хизмати томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатмаси (қарори) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қароридан устидан ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

**Раислик қилувчи,
судья**

Ж.К.Мамитов

